

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Истанбул Таълим ва Тарбия Академияси 2022-2023 ўқув йиллари учун қабул бошланганини эълон қилади



19:36 / 05.07.2022 2615

Академия араб тили, шаръий илмлар ва замонавий касбларга ихтисослашган бўлиб Истанбул шаҳрида жойлашган.

Академия Фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг тузиб кетган ёллари бойича фарзанд ва шогирдлари, Ўзбекистоннинг катта уламолари томонидан асос солинган.

Академия 5 йиллик бўлиб, биринчи курсда талабалар араб тилида бемалол ёзиш, ўқиш ва таржима қилиш салоҳиятига эга бўладилар. Талабалар бу малакаларни ҳосил қилгач иккинчи курсдан шаърий

илмларни ўрганишга киришадилар.

Биринчи курсга кириш учун араб тили кўникмалари шарт қилинмайди.

Талаба асосий фундаментал билимларни яхши ва ишончли ўзлаштириши учун биринчи ва иккинчи курсларда дарслар фақат ўзбек тилида олиб борилади. Учинчи курсдан бошлаб эса юзда-юз араб устоз-шайхлар дарс беришни бошлайдилар.

4 йиллик шаръий илмлар даврида Мотурудий ақидаси ва Ҳанафий фикҳида мўътабар деб билинган барча китобларни ўқиб тугатадилар.

4 йиллик олий таълимдан сўнг 3 йиллик мутахассислик йўналишлари ҳам ташкил қилинган. Мутахассислик йўналишида ўқиш истагида бўлган талабалар 3 йил давомида ўзлари танлаган соҳаларини етук олим-мутахассиси бўлиб етишиб чиқадилар.

Дарслар ҳафтанинг олти куни 5 соатдан бўлиб, ўқувчи кунлик дарсларни яхши ўзлаштириши учун ҳар куни 2 соатлик тўғарак дарслар ташкил этилган. Тўғарак дарсларда ўқувчилар кунлик дарсларни мустаҳкамлаб, уйга вазифаларни устоз назоратида тайёрлайдилар.

Йиллик контракт тўлови 2250\$ни ташкил этади. Иккига бўлиб тўлаш имконияти мавжуд.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш:

Иқома(Туркияда яшаш учун ҳужжат) билан муаммо бўлмайди
Ўқувчилар барча шароитларга эга ётоқхона билан таъминланади;
Эрталабки нонушта ва икки маҳал овқат;
Талабанинг ижтимоий ҳолати инобатга олиниб, 75% гача грант белгиланади.

Академик кўрсаткичлари юқори бўлган талабалар ойлик стипендияга эга бўладилар.

Академияни юқори кўрсаткичлар билан битирган талабалар иш билан таъминланадилар.

Қабул 1чи ва 2чи курслар учун бўлиб, ўқувчилар имтиҳон асосида сараланиб олинади.

Фарзандингиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфдек дунё тан олган

буюк олим бўлишини хоҳлайсизми?

Унда ҳозирок рўйхатдан ўтинг, жойлар сони чегараланган.

<https://beacons.ai/akademiya>